

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси қўмондони ўринбосари-
кўриклиш бош бошқармаси бошлигининг
2019 йил “07” августдаги 42-сон
буйргуга ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриклиш хизмати
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга қўриклиш
хизматини кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА

Жиззах шахри

№ 01-22/140 -сон

2022 йил «1» январь

Жиззах вилояти Кўриклиш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиги полковник О.А.Амиров (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан, Х.Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби номидан шартномага асосан фаолият юритувчи директори Д.Б.Хамдамова (кейинги ўринларда Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур шартномани қўйидагилар хақида туздилар:

1 боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи Миллий гвардия қўриклиш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик қўриклиши кўринишида техник қўриклиш пунктидан (кейинга ўринларда ТҚП деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриклиш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вактида кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2 боб. Умумий шартлар.

2. Буюртмачи Жиззах шахри Жиззахлик маҳалласи Ш.Рашидов қўчаси 1-йй манзилида жойлашган Х.Олимжон ва Зулфия номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернати биносининг назорат ўтказиш жойини (кейинги ўринларда объект деб юритилади) ҳар куни 1 та 24 соатлик Миллий гвардия қўриклиш хизматининг ҳарбийлаштирилган соқчилик қўриклиш пости билан ҳамда объектнинг Назорат ўтказиш жойини ҳар куни 12 соат, соат 20-00 дан 08-00 гача ҳавфли тугма билан ТҚП ва ҚЁОС воситалари орқали қўриклиш учун Ижрочига топширади, Ижрочи қабул килади.

3. Объектнинг қўриклиш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларнинг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас кисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чикиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чикиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўрикномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас кисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриклиш воситалар билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриклиш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқсан холлар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриклиш ва ҳавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова килинади ҳамда унинг ажралмас кисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриклишда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш куни ичida Миллий гвардия хизмати қўриклиш тури йўлга кўйилади. Объектда соқчилик қўриклиш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриклиш объектга 30 иш куни ичida йўлга кўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи кўйилмайди, кўйилган ижрочи эса чакириб олинади.

3 боб. Тўловларни амалга ошириш.

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қўйдагича ҳисобланади:

Пост-соат ҳисобида қўриклиш хизмати ойига 24 728 103 (йигирма тўрт миллион етти юз йигирма саккиз минг бир юз уч) сўм, 12 ойга 296 737 236 (икки юз тўксон олти миллион етти юз ўттиз етти минг икки юз ўттиз олти) сўм бўлади.

Ижрочи балансида турган соқчи итни саклаш учун ойига 00 сўм, 12 ойга 00 сўм бўлади.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун хужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган холларда қайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун ичida мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи микдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи 5 кун ичida аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловини амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчиси бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи микдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вактида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим килишга ҳақлиdir.

Мазкур шартнома бекор килинган холларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4 боб. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.

13. Буюртмачи қўйидаги хуқукларга эга:

Ижроидан белгиланган кўриклиш тартибига риоя этишни талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижроининг ходимлари томонидан интизомни бузиш холатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижроидан талаб қилиш;

Ижроининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриклиш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрои томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир холати бўйича Ижроининг вакили иштирокида икки нусхадан далолатнома тузиш;

Ижроининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аникланган тақдирда, ижроидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрои томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганилиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шарноманинг ажралмас кисми хисобланган 20 ____ йил «_____» _____ даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриклишга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустахкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз хисобидан техник кўриклиш воситалари (*объектнинг турига қараб пост қўрилмалари ва уни иситии ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнгидан кўриклиш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириши хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини саклаш хоналари, ёнгидан ўчирувчи воситалар ва бошқалар*) билан жихозлаш ва зарур холларда уларни таъмираш;

ҳар кандай моддий кимматликларни объект худудининг девор тўсифидан 10 метр узокликда (*объект жойлашувини хисобга олган холда*) жойлаштириш;

Ижрои билан биргаликда ҳар чоракда камидан бер марта объектнинг техник мустахкамлигини, кўриклишнинг техник воситалар билан таъминланганлигини, шу жумладан ёнгидан кўриклиш сигнализацияси холатини текшириш кўригини ўтказиш, аникланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижроини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган холда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

Белгиланган кўриклиш режими талабларини бажариш ва техник кўриклиш воситаларининг тегишли холатини таъминлаш;

бинода режалаштираётган капитал таъмираш ишлари, объектларни қайта жихозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни саклаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир кисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк хуқукини ўтказиш, кўриклиш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки кўшимча кўриклиш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши хақида Ижроини бундай ишларнинг бошланишидан камидан 20 кун олдин огохлантириш;

объектда иш куни якунида кўриклиш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижроини огохлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга кадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриклишга топшириш. Объектни кўриклишга топширганлик хақида ТҚПни хабардор қилиб, 5 дакикадан сўнг объектнинг кўриклишга қабул килинганлиги хақида ишонч хосил қилиш;

объектни, ёнгидан кўриклиш сигнализацияси билан жихозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриклишга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентилияция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриклиш сигнализациясини ва худуднинг ёритилиш холатини текшириш, кўриклиандиган биноларда электр жихозларининг, бошқа ёнгин манбаларининг ёкилган холда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўйиласлик;

кўриклиандиган худудда бинодан ташкарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта хисоб-китоб асосида қабул қилиш топшириш журналида рўйхатдан ўтказган холда ҳамда Ижрои ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзолangan холда кўриклишга топшириш;

махсус журналда ўз вакиллари томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриклишга топшириш, кўриклиш тугагандан сўнг кўриклишдан чиқариш;

кўриклиандиган хоналарнинг бутлиги бузилганлиги хақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижроини хабардор қилиш ва объектга Ижрои вакили етиб келгунга кадар кўрсатилган жойларнинг даҳлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриклиш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт ракамларини ошкор килмаслик;

Ижрои вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришга оид кисми билан танишириш.

15. Ижроининг хуқуклари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя килинишини талаб қилиш;

Мазкур шарномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа хужжатларни сўраш ва олиш;

Кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриклиш техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижроининг мажбуриятлари:

Объектда постлар дислокациясига (патрул маршрутига) мувоғиқ кўриклиш нарядини жорий қилиш;

Мазкур шартномада ва унинг иловаларига мувоғиқ объектни ҳамда кўриклишга топширилган моддий

кимматликларни кўриклишни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўрикланаётган худуддаги лекин бинодан ташкарида жойлашган моддий кимматликларнинг микдори, ассортименти, ўралган ёки кадокланган холатини текшириб, кайта хисоб китоб асосида кабул килиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган холда хамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган холда кабул килиб олиш;

объектда кириш-чикиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий кимматликлар олиб кирилиши ва чикилишини назорат килиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чишиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриклиш вактида жойдаги ёнгин хавфсизлиги коидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнгин чикиши ёки ёнғиндан кўриклиш сигнализациясининг ишлаб кетиши холатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аникланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чакириш ва объектнинг дахлесизлигини таъминлаш;

ёнғиндан кўриклиш сигнализацияси ишлаб кетган холатларда сигнализациянинг ишлаб кетиши сабабларини аниклаш ва объектни кайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чакириши, текшириш натижалари ва объектни кайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил килиш ва амалга ошириш, кўриклиш турларига мос бўлган кийим бош, кийим бош анжомлари (экипировка), курол аслахаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриклишга кабул килганда ва топширганда объектдаги техник мустахкамлик бўйича ва кўриклишнинг техник воситалари билан боғлик аникланган барча камчиликлар хакида Буюртмачини хабардор килиш;

Буюртмачи билан биргаликда хар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустахкамланганлигини, кўриклишнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриклиш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аникланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари хамда Ижрочини бу ҳақда хабардор килиш муддати ва тартибини кўрсатган холда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхадан далолатнома тузиш.

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг хар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбариятига тегишли чоралар кўрилиши учун бериш;

кўрикланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида Миллий гвардия кўриклиш хизмати навбатчилик кисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, Миллий гвардия кўриклиш хизмати вакили етиб келгунга кадар ходиса юз берган жойнинг дахлесизлигини таъминлаш.

5 боб. Томонлар жавобгарлиги.

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вактида тўлланмаганилиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патруль йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига хар бир бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пения тўлайди, бирок бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеня тўлаш буюртмачи ва ижрочини ўз мажбуриятларини бузиши окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганилиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аникланган холларда зарар тўлилар копланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг микдорини аниклаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда зарар микдори тегишли хужжатлар билан расмийлаштириб, комиссия аъзолари томонидан тасдикланади. Низо мавжуд бўлган такдирда зарар микдори суднинг карори билан аникланади.

22. Куйидаги холларда Ижрочи зарарни копламайди:

Ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлил бажарган бўлишига карамасдан, зарар учинчи шахсларнинг жиноий харакатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг конуний кучга кирган карори, билан тасдикланса.

Кабул килиш-топшириш журналида кайд килинмаган мулкка зарар етказилганда.

Буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганида.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганилик учун белгиланган неустойка (жарима, пения) тўлаш хамда зарарни коплаш томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6 боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

24. Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартирилиши ва бекор килиш вактида тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни коплаш тўғрисидаги низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда Иктиносий суд томонидан кўриб чикилади.

7 боб. Форс-мажор.

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлил бажарилмаганилиги учун агар ушбу бажармаслик шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муаян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) окибати хисобланса жавобгарликдан озод килинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч холатига ҳавола килувчи томон бошқа томонни бундай холат бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичидаги ёзма шаклда хабардор килиши шарт. Ушбу муддат ичидаги хабар бермаган томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод килиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор холатларига сув тошкенилари, ер кимирилаши ва бошқа табиий халокатлар, шунингдек, эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат хокимияти ва бошкаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган карорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч холатлари амал килган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор килингга ҳақли.

8 боб. Якуний қондалар.

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилири билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бекор килиш ҳақидаги тақлифга иккинчи томондан рад жавоби олганидан кейингина ёки 30 кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин Шартномани ўзгартириш ёки бекор килиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал килиш муддати кўйидагича белгиланади:

хўжалик юритувчи субъектлар бўйича Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб номуайян муддатга амал килади.

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилири бўйича белгиланган тартибда ғазначилик бўлимларидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 март куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор килиш ҳақида Ижрочига шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум килмаса, мазкур Шартноманинг амал килиш муддати худди шу муддатга шу шартларда узайтирилган хисобланади.

31. Агар техник кўриклиш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиккан, капитал ёки жорий таъмирилашни талаб килса, бирок Буюртмачи буни рад этса Ижрочи Буюртмачига 7 кун олдин ёзма маълум килган холда алоҳида обьектларни кўриклишни рад этиши мумкин. (эслатма: тоифаланган ва банк обьектлари бундан мустасно)

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловини белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур Шартномани Буюртмачини ёзма равишида огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор килишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патруль йўналишларида кўриклиш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур Шартномани Ижрочини ёзма равишида огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор килишга ҳақли.

34. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишида маълум килади.

35. Объектнинг хусусиятидан келиб чишиб Томонлар мазкур Шартномага конун хужжатларига мувофиқ хукук ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

9. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

Ижрочи:

Жиззах вилоят Кўриклиш бошкармаси

Буюртмачи:

Х.Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби

Юридик манзили: Жиззах шаҳри Сайнілжойи кўчаси 5-йй.

Банк маълумотлари: Марказий банк Жиззах вилоят бош бошкармаси

X/P 21596000600567049001


МФО: 00018

СТИР: 202383751

ОКОНХ: 97920

Бошлиғи
полковник:

О.А.Амиропов



Хукукшунос:

С.А.Эргашев

Юридик манзили: Жиззах шаҳри Жиззахлик махалласи Ш.Рашидов кўчаси 1-йй

Банк маълумотлари:

X/P 100010860084017032300344001

МФО: 00014

СТИР: 207261038

КТУТ:

Ғазначилик бўлинмасининг номи

ЯФХ 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк

МФО 00014

Ғазначилик бўлинмасининг

СТИР: 207261038

Директор:



Д.Б.Ҳамдамова

« 1 январь 2022 йил

(Илова №-1)

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Жиззах вилояти Кўриқлаш бўшкармаси

боштаги - полковник



О.А.Амиров

"04"

2022 йил

Хамид Олимжон ва Зулфия номидаги мактабининг назорат ўташ жойини харбийлаштирилган сокчиллик хизмат тури орқали, Жиззах вилояти Кўриқлаш

бўшкармаси томонидан Кўриқлаш бўйича

ХИСОБ - СМЕТАСИ

№	Объект номи	Объектнинг жойлашган маузили	Кўриқлаш тури	Штат бирорлиги	Воситаларнинг сони	КЁСТ итпари сони	Хизмат итпари сони	Кўриқлаш вақти (соат)		Бир йилга жами	Кўриқлаш хизматининг нари
								Иш кунлари	Шанба ва байрам кунлари		
1	Маъмурий бино (НУЖ)		ВОХР			24	24	24	8760	32252	23543960
2	Маъмурий бино (НУЖ) (ташвии тутма)	Жиззах вилояти О.АЗИМОВ Кўчаси 1-уй	ТКП			12	12	12	4380	3128	1141720
3	КЁСТ воситалари учун					1				29547	29547
4	Uzmobile SIM 1					1				6350	6350
5	Ucell SIM 1					1				6526	6526
	Жами										24 728 103

Кўриқлаш хизмати учун бир ойлик тўлов мидори:

24 728 103 (йигирма тўфт миллион етти юз йигирма саккиз минг бир юз уч) сўм

Бош хисобчи:

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Хамид Олимжон ва Зулфия номидаги мактаби
бахари



Д.Б.Хамдамова

"04"

2022 йил

Бош хисобчи: